

*Тарихий хотира – ўзликни англаш ва миллий-
маънавий тараққиёт омили*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»

кафедраси

**«ТАРИХИЙ ХОТИРА –
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ»**

**мавзусидаги республика илмий-назарий
анжумани материаллари**

XV

Бухоро – 2022

ИНСОНПАРВАР СИЙМО. <i>Рахматова Х.Х.</i>	57
ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ БОЛЬШЕВИКЛАР ТОМОНИДАН «ПАНИСЛОМИЗМ»ДА АЙБЛАНИШИ. <i>Рашидов О.Р.</i>	60
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА КАДРЛАР МАСАЛАСИ (1920-1930). <i>Алимова М.М.</i>	63
YANGI EKIN NAVLARI JORIY ETILISHINING O`ZBEKISTON TARIXI FANIDA O`RGANISH MUAMMOLARI. <i>Nayitov J.Sh.</i>	65
ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРИ. <i>Султонова Л.С.</i>	68
«МИРЪОТУС СОЛИКИЙН» («ТАРИҚАТ СОЛИКЛАРИНИНГ ОЙНАСИ») АСАРИ – НАҚШБАНДШУНОСЛИҚДА МУҲИМ МАНБА. <i>Ражабов А.Ш.</i>	70
СОЦИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ. <i>Мансурова М.Ю.</i>	74
«ҚУЛОҚ» ВА БАТРАК МУНОСАБАТЛАРИ (1920-1930 ЙИЛЛАР: ЗАРАФШОН ВОҲАСИ). <i>Алимова М.М.</i>	78
BUYUK AJDODLARIMIZ MEROSI – YOSHLARGA IBRAT. <i>Oripova M.Q.</i>	80
ТАРИХ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ». <i>Каландарова Ф.А.</i>	83
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДАВРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАМОАЛАШТИРИШ СИЁСАТИ. <i>Алимова М.М.</i>	85
ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЛҚИНИДА. <i>Ҳамроев С.С.</i>	89
ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ. <i>Самиева Ш.Х., Худаярова Ф.О.</i>	91
МУТАФАККИР АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИДА МАМЛАКАТНИ ОБОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ. <i>Бозоров Ш.С.</i>	93
ЭТИКО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЗАКАРИЯ АР-РАЗИ. <i>Азимов А.А.</i>	95
БУХОРО ТАРИХИГА ОИД МАНЪБА. <i>Каландарова Ф.А.</i>	97
TARIXIY XOTIRA – O`ZLIKNI ANGLASH ASOSI. <i>Oripova M.Q.</i>	99
РУДАКИЙНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ. <i>Азимов А.А.</i>	102

Ар-Рази как философ и лекарь уделяет особое внимания на исправления и лечения разных недугов¹.

Мыслитель отмечает, что личность и общество своего высшего развития достигает в этике стойков в самосовершенствовании. Но некогда отчаявшись спасти мир от морального разложения, стремились приложить все усилия к тому, чтобы оторвать отдельную личность от зараженной среды, которая была вокруг и, таким образом, спасти ее как высшую нравственную ценность.

То есть, согласно стоической нравственной философии, в мире нет злого начала. Отсюда они выводят главную предпосылку, на которой основываются все их учение о личном самосовершенствовании: «Наше зло вне нас, оно коренится внутри нас, в самом сердце», поэтому избавиться от зла и пороков можно через нравственное исправление каждой отдельной личности, через личное самосовершенствование.

В своих этических взглядах ар-Рази критикует аморальные действия поступки и негативные черты человеческого характера, такими аморальными качествами он называет чрезмерную страсть, тщеславия, обжорства, страсть к пьянству, лож, скупость, половую распущенность и.т.д.

БУХОРО ТАРИХИГА ОИД МАНЪБА.

***Каландарова Ф.А. – БухДУ, Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими кафедраси ўқитувчиси***

Бухоронинг XIX аср охири XX аср бошларига оид тарихи кўплаб манбаларда ёритилган. Айниқса Бухоро амирлигининг Россия империясининг ярим мустамлакага айланиши жараёни ёритувчи манбалар эътиборга молик. Улар каторига Аҳмад Дониш, Мирзо Сомий, Мирза Салимбек, Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи, Пўлат Солиев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби таниқли марифатпарвар, тарихчи, адабиётшунос олимдарнинг асарларини санаб ўтиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг асарларида россия-бухоро жанглирига таъриф берилган ва тасвирланган бўлсада, амир Музаффар(1860-1885) саройида мирзолик лавозимида ишлаган Мирзо Абдулазим Сомийнинг

¹ Как то раз к врачу на осмотр принесли молодого человека у который здоровья сильно подорвало и всё время рвало с кровью. Все лекари перестали его лечить говоря что он умрёт. Но ар-Рази взялся за его лечения, первым делом он поставил диагноз этому больному он спросил у родных какую воду он пиль ему сказали что он пиль воду из ближайшего болота. Тогда ар-Рази приготовил напиток из лягушечий кожи и дал пит этому больному когда его начало рвать из его желудка вырвало пивку который желудку этого молодого человека сосал его кровь этот парен излечился. Ар-Рази считал что нет такой болезни которого нельзя лечить

«Тарихи салотини манғития» (Манғит султонлари тарихи) асари бу масалани ёритишда диққатга сазовордир.

Чунки асар шу даврни ёритувчи бошқа манбалардан ўзининг фактик материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Асарда жанг ҳаракатлари, кўшин таркиби, россия-бухоро музокаралари, шунингдек ҳарбий кенгашлар ва уларнинг иштирокчилари номлари билан тилга олинади.

Сомий асарда Россия империяси билан бўлган жангдлар давомида амир Музаффар томонидан уюштирилган ҳарбий кенгашларни ҳам батафсил ёритган. Бу кенгашларда қабул қилинган муҳим қарорлар албатта урушнинг кейинги боришига тасир кўрсатган. Кенгашларда нуфузли амирлар ва юқори лавозимли давлат амалдорлари иштирок этишган.

Шундай кенгашлардан бири рус аскарлари Самарқандни босиб олишга тайёрланиб турган ва амир кўшини Оқтепага чекинган бир пайтда бўлиб ўтади.

Асарда келтирилишича унда қуйидаги амирлар иштирок этишади: Муҳаммад Шукурбий иноқ, Ҳисор ҳокими Раҳмонқулбий парвоначи тўқ манғит, Одилбий додхоҳ хитой, қушбеги Ёқуббий, Ўткурбий ва бошқалар. Оқтепа кенгашида амирлар икки гуруҳга бўлинади:

1- гуруҳ, жангни давом этириб, қаршилик кўрсатиш кераклигини айтган бўлса;

2-гуруҳ, Россия империяси билан сулҳ тузиб, келишувчилик сиёсатини олиб боришни таклиф қилган.

Раҳмонқулбий парвоначи сулҳ тузиш тарафдори бўлиб, ўзининг бундай фикрини қуйидаги мисоллар билан асослайди.

1. Ўзбек кўшинининг бундай душманга ҳеч қачон дуч келмаганлиги;

2. Ўзбек кўшинларида ҳимоя воситалари ва русларнинг каби қуролларнинг йўқлиги;

3. Катта-кичик мағлубиятлар оқибатида мавжуд бўлган қурол-аслаҳаларнинг нобут бўлганлиги.

Аммо кенгашда Ёқуб қушбегининг қистови билан урушни давом эттириш кераклиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган.

Уруш давомида бўлиб ўтган иккинчи кенгаш Самарқанд учун бўлган жангдан сўнг чақирилади.

Амир Музаффар кенгашни Карманада тўплайди. Унда уламолардан қози Саъдиддин, эшон Абдулҳамид хўжа аълам, Маҳмудхожи эшон, Самарқанд қозикалони, амирлардан Абдулғофурбий иноқ, Тўхтамишбий иноқ, Абдулқаримбий девонбеги, Каримқулбий иноқ ва бошқалар иштирок этишади. Кенгашда асосий масала урушдаги кейинги ҳаракатлар муҳокамаси бўлган. Кенгаш аъзолари узоқ тортишувлардан сўнг Хоразмга қочиш

тўғрисидаги қарорга келишади ва дастлаб амир Музаффар ҳам бу қарорни қўллаб-қувватлайди. Аммо амир кейинчалик ўзининг бу фикридан қайтади. Бунга ўз вақтида амирлик кўшинларига бошлиқ бўлган Шукурбий иноқнинг келтирган мулоҳазалари сабаб бўлади.

Шукурбий иноқ Хоразмга қочиш таслим бўлишдан ҳам шармандалироқ эканини, Самарқанднинг босиб олиниши Бухоро амирлигининг кулаганини англамаслигини, ундан кўра амир Бухорога қайтиб руслар билан сулҳ тузиш учун губернатор ҳузурига элчи юборишни таклиф қилади. Бу таклиф амирга маъкул бўлади ва амир губернатор ҳузурга элчи юборади.

Юқорида айтилган кенгашлардан маълумки, амирликдаги муҳим давлат масалалари амирлар, юқори давлат лавозимидаги амалдорлар, қозикалонлар, девонбеги ва иноқлар иштирокида муҳокама қилинган. Кенгашларда барча ўз фикрини билдирган. Баъзан кенгаш қарори билан иш кўрилса, баъзан охириги сўзни амир айтган ва кейинги ҳаракатлар айнан шу қарорга боғлиқ бўлган.

TARIXIY XOTIRA – O`ZLIKNI ANGLASH ASOSI.

***Oripova M.Q. – BVXTXQTMOHM «Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar metodikasi»
kafedrasi katta o`qituvchisi***

Jannatmakon yurtimiz – O`zbekiston zaminidan azal-azaldan o`zlarining ilmiy-ma`naviy, ma`rifiy-falsafiy meroslari bilan jumlayi jahonga tanilgan ko`plab buyuk allomalar va mutafakkirlar yetishib chiqib, samarali faoliyat ko`rsatganlar. Ularning aql-zakovati, tafakkur dunyosi va yuksak ilmiy salohiyatining mahsuli bo`lgan bebaho asarlari va buyuk kashfiyotlari ming yillar osha nafaqat bizning diyorimiz, balki jahon ahlining qudratli ma`naviy mulki sifatida ham ardoqlanadi.

Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek:»Tarixga nazar solsak, Buyuk Ipak yo`lining chorrahasida joylashgan ona zaminimiz azaldan yuksak sivilizatsiya va madaniyat o`choqlaridan biri bo`lganini ko`ramiz. Xalqimizning boy ilmiy-madaniy merosi, toshga muhrlangan qadimiy yozuvlar, bebaho me`moriy obidalar, nodir qo`lyozmalar, turli osori atiqalar davlatchilik tariximizning uch ming yillik teran ildizlaridan dalolat beradi.»¹

O`zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi va o`zligini chuqur anglagan millatdagina tarixiy xotira ustuvor bo`ladi. Hamma ham o`z tarixini ulug`laydi. Lekin bizning mamlakatimizdagidek boy tarix, bobolarimizdek buyuk allomalar

¹ Mirziyoyev Sh.M. “O`qituvchi va murabbiylar – yangi O`zbekistonni barpo etishda katta kuch, tayanch va suyanchimizdir” O`qituvchi va murabbiylar kuniga bag`ishlangan tantanali marosimdagi nutqi, 2020-yil 30-sentabr